

Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 23-fevral, seshanba, 22 (23.458)-son


**Кун ҳикмати**

Ёмоннинг қилиғидан эмас, яхшининг ёмонлик қилишидан қўрқинг

# Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи

**Ҳурматли раис Нажот Шамим Хон хонимлари!**

**Ҳурматли Олий комиссар Мишель Бачелет хонимлари!**

**Хонимлар ва жаноблар!**

Бугун Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида ушбу учрашувда биринчи марта иштирок этмоқда.

Биз сўнгги йиллар давомида Кенгашга аъзо бўлиш учун бутун масъулиятни англаган ҳолда интилиб келганимизни таъкидламоқчиман.

Демократик ислоҳотларимиз янги Ўзбекистонни бунёд этишга қаратилган бўлиб, бу ўзгаришлар ортга қайтмайдиган тус олди.

Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг **“Инсон ҳуқуқлари йўлида ҳаракатга даъват”** ташаббусини илгари суриш учун Кенгаш аъзолари, барча шерикларимиз билан яқин ҳамкорликни давом эттирамиз.

**Ҳурматли анжуман иштирокчилари!**

Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва Кенгаш доирасидаги фаолиятимизнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат.

**Биринчидан, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистондаги ислоҳотларда энг муҳим ўринда туради.**

2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни кўзда тутадиган “ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойили асосида амалга оширилади.

Бу ўринда сўз Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси экспертларининг фаол иштирокида ишлаб чиқилган Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни амалга ошириш тўғрисида бормоқда.

**Иккинчидан, биз гендер сиёсати масалалари борасида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишларни қатъий давом эттирамиз.**

Жорий йилда Ўзбекистонда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг мулоқоти ва хотин-қизларнинг минтақавий бизнес-форумини ўтказишни режалаштирмоқдамиз.

**Учинчидан, алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилади.**

Яқинда Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги янги қонун кучга кирди. Ўзбекистон Парламенти Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиши кутилмоқда.

Биз имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш масалалари бўйича Минтақавий кенгаш тузишни таклиф этамиз.

**Тўртинчидан, аҳолимизнинг ярмидан кўпини ташкил этадиган ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.**

Жорий йил Ўзбекистонда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб эълон қилинди.

Бу борада биз:

- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясини ўтказиш;

- БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ўнинчи форумида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини тақдим этиш;

шунингдек, Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачи институтини таъсис этиш масаласини киритишга тайёргарлик кўрмоқдамиз.

**Бешинчидан**, биз Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда **мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича катта ишларни амалга оширдик.** Бу ислоҳотларимиздаги энг асосий ютуқларимиздан бири бўлди.

2021 йилда, яъни Болалар меҳнатига барҳам бериш халқаро йилида Болалар Омбудсмани тўғрисидаги қонунни қабул қиламиз.

**Олтинчидан, “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб биз Олий комиссар бошқармаси билан биргаликда глобал форум ўтказишни таклиф этамиз.**

Ўқитиш тизимини ривожлантириш мақсадида БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ихтиёрий бадаллар жамғармасига ўз ҳиссамизни қўшмоқчимиз.

**Еттинчидан,** Бош котиб Антониу Гутерриш Жаноби Олийларининг **фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш бўйича қатъий чоралар кўриш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлаймиз.**

Биргина ўтган йилнинг ўзида 50 минг нафар ватандошимиз Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди, бу йил яна 20 мингдан зиёд киши фуқароликка эга бўлади.

**Хонимлар ва жаноблар!**

Биз эришган натижаларимиз билан кифояланиб қолмасдан, бундан буён ҳам **фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, Ўзбекистонда сўз эркинлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни қатъий мақсад қилганмиз.**

Шу аснода нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари тўғрисида кодекслар ишлаб чиқилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг дин ёки эътиқод эркинлиги, судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиларининг тавсияларини алоҳида эътиборга олганмиз.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқиш масаласини кўриб чиқишни таклиф этамиз.

**Қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмни жорий этиш** доирасида биз одамнинг қадр-қимматини ерга урадиган, инсонийликка зид бўлган **қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига бундан буён ҳам мутлақо йўл қўймаймиз.** Бундай жиноятлар қачон содир этилганидан қатъи назар, улар учун жазо муқаррардир.

Қийноқларга қарши конвенциянинг Факультатив протоколини ратификация қиламиз.

Мазкур масалалар юзасидан ҳамкорликда ишлаш мақсадида Қийноқлар масаласи бўйича махсус маърузачини Ўзбекистонга таклиф этишга тайёргарлик кўряпмиз.

**Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!**

**Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларига қатъий содиқ қолади.**

Шу билан бирга, биз инсон ҳуқуқлари борасида ҳали улкан йўлнинг бошида турганимизни яхши тушунамиз ва халқаро ҳамкорларимизнинг қўллаб-қувватлашига умид қиламиз. Шу муносабат билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар Мишель Бачелет хонимларининг юртимизга ташрифини кутиб қоламиз.

Бу борада мандатга эга бўлган барча вакилларнинг Ўзбекистонга ташриф буюришлари учун доимий таклифнома юбориш ҳақида қарорни қабул қиламиз.

Шунингдек, Осиё қитъасининг инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий механизмини мунтазам фаолият кўрсатадиган платформа – Самарқанд форуми негизида яратиш борасида кўмак беришга тайёрмиз.

**Ҳурматли дўстлар!**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 75 йиллик тарихи инсон ҳуқуқлари универсал қадрият эканини яққол исботлади. Бу устувор тамойилсиз ер юзида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга эришиб бўлмайди.

Нутқимнинг якунида шуни яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: **Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умум эътироф этилган принцип ва нормаларини қатъий ҳимоя қилади ва фаол илгари суради.**

Эътиборингиз учун раҳмат.







# Сектор раҳбарлари ёшларга ҳисобот берди

**Вилоят сектор раҳбарлари ёшларни қийнаб келаётган муаммоларга ечим топишда “маҳаллабай” тизимида амалга оширилган ишлар юзасидан аҳолига, хусусан, ёшларга ҳисобот берди.**

Самарқанд шаҳрида фестиваль тарзида уюштирилган тадбир юриш марафони билан бошланди. Унда 3 мингдан ортиқ қатнашчилар Регистон майдонидан Университет хиёбони орқали вилоят мусиқали драма театри биноси ёнигача “Соғлом ҳаёт учун беш минг қадам” шиори остида пиёда ҳаракатланди. Марафон иштирокчилари театр ёнида эрталабки бадантарбия машқларини бажарди.

Мустафо Камол Ота Турк кўчасида Марказий ҳарбий округ қўмондонлиги ташаббуси билан ташкил этилган қурол-аслаҳа ва техникалар намойиши, аскарларнинг жанговар чиқишлари ёшларга завқ улашди.

- Иштихон туманининг чекка қишлоғида яшайман, - дейди Мурожжон Тоҳиров. – Бундай қурол-аслаҳа ва техникаларни фақат телевизор орқали кўрганман. Бугун аскар акаларимизнинг ҳарбий либосларини кийиб, ўзимни Ватан ҳимоячисидек ҳис қилдим.

Учрашув доирасидаги тадбирлар Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат боғида Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббусни ўзида акс эттирган кўргазмали чиқишлар билан давом этди.

Шунингдек, Пушкин номидаги вилоят ахборот кутубхона маркази ҳамда дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (IT Park)да «Очиқ эшиклар куни» тадбирлари ҳам ўтказилди.

Ёшлар марказида вилоят секторлари раҳбарлари томонидан “маҳаллабай” тизимида ёшлар муаммоларини ечиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ёшларга ҳисобот берилди. Ёшлар ўзларини қийнаб келаётган муаммолар ва таклифларни ўртага ташлади. Уларнинг ечими бўйича мутасаддиларга вазифалар берилди.

- Ҳайдовчиларнинг спиртли ичимлик истеъмол қилганини аниқловчи ускуна яратганман, - дейди Достонбек Эшонов. - Ускунани вилоят 3-сектори раҳбари, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғига тақдим этдим. У киши бу ускуна йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари учун жуда зарур эканлигини айтиб, бунинг устида мукаммал ишлашимни ва қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини билдирди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган учрашувни вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари ёшлари вакиллари кузатиб борди.

Тадбир давомида тадбиркорлик ва ҳунармандчилик билан шуғулланиш истагида бўлган бир гуруҳ ишсиз ёшларга имтиёзли кредитлар олиш имконини берувчи сертификатлар топширилди.

Шу куни Самарқанднинг ёндош шаҳарчаларида ҳам худди шундай маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

**Шаҳло КОМИЛОВА,**
**Ҳ.ФАЗЛИДДИНОВ (фото).**



**Ривожланган давлатларда жисмоний ва юридик шахслар мол-мулки ва бошқа воситаларини эҳтимолий хавфлардан суғурта қилдириб қўяди. Бу орқали улар кутилмаганда юз берган кўнгилсизлик туфайли етган зарар ўрнини қоплашга одатланган.**

# ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҳодисаси иштирокчиси

## суғурта пули олиш учун нима қилиши керак?

Бизда эса аксарият ҳолларда суғурта хизматларига ишонч паст. Бунга сабаб нима? Умуман, бу хизмат тури қай даражада оммалашмоқда? Шу каби саволлар билан “Ўзагросуғурта” компанияси вилоят филиали раҳбари Анвар Болиевга мурожаат қилдик.

**- Анвар ака юртимизда, шу жумладан, вилоятимизда аксарият одамлар автомашинани суғурта қилдиришнинг ҳеч қандай фойдаси йўқ, деб ўйлайди. Сиз бунга нима дейсиз?**

- Назаримда, бу аввало одамларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги билан боғлиқ. Негаки, “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғуртаси тўғрисида”ги Қонун 2008 йилда қабул қилинган. Бироқ орадан 13 йил ўтган бўлишига қарамай, кўпчилик автомашинани суғурта қилдириш фалокатлар туфайли кўрилган зарарни қоплашда ҳеч фойдаси йўқ, деб ўйлайди.

Бунда аввало, транспорт воситасини қандай ҳолатлардан суғурта қилганлигини билиб олиш талаб этилади.

Қонунда асосан жабрланган фуқаронинг манфаати кўзланган бўлиб, олиб борилган 40 миллион сўм миқдоридаги жавобгарликнинг 35 фоизи (яъни 14 миллион сўм)гача жабрланувчининг мол-мулкига, 65 фоизи (яъни 26 миллион сўм) ҳаёти ва соғлиғига ҳар қандай ҳолатда тўланиши назарда тутилган. Суғурта учун 40 минг сўм маблағ тўланади.

2-саҳифа »»

# Билимли, китобхон ёшлар аниқланди

**Самарқанд шаҳридаги ёшлар марказида “Ёш китобхон” республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида уч ёш тоифасида ғолибликни қўлга киритган 48 нафар китобсевар ёшлар ўзаро беллашди.**




- Бу танловга ўтган йили 10-14 ёш тоифаси бўйича қатнашиб, республика босқичида иккинчи ўринни эгаллаганман, - дейди оқдарёлик Гулсанам Абдулҳакимова. - Бу йил 15-19 ёшлилар орасида ўзимни синаб кўряпман. Мақсадим, “Спарк” соҳибаси бўлиш эмас, билимимни бойитиш, нутқимни ўстириш. Икки йил ичида 100 дан зиёд бадиий китоб ўқидим.

Танлов низомида белгиланган шартлар бўйича ўз билимини синаб кўрган ёш китобхонлар орасидан 3 нафари ғолиб деб топилди.

10-14 ёш тоифаси бўйича ғолибликни пайариқлик Ҳафиза Ҳасанова қўлга киритди. 15-19 ёшлилар орасида оқдарёлик Гулсанам Абдулҳакимовага тенг келадигани топилмаган. Нарпайлик Гулҳаё Эшмонова 20-30 ёшли китобхонлар ўртасида биринчиликни эгаллади.

Ғолиблар танловнинг республика босқичида вилоятимиз шаънини ҳимоя қилади.

**Диёрбек БАҲОДИРОВ.**

## ОБ-ҲАВО

**“Ўзгидромет” хабарига кўра, 23-26 февралда Ўзбекистон ҳудудига Волгабўйи орқали Россиянинг Европа қисми ҳудудлари устида шаклланган совуқ ва нам ҳаво массалари кириб келади. Вилоятимизнинг баъзи жойларида 23-24 февраль кунлари ёмғир ёғади, 25-26 февралда ҳарорат кундузи 0-3 даража, кечаси 11-12 даража совуқ бўлиши кутилмоқда.**

# ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҳодисаси иштирокчиси

## суғурта пули олиш учун нима қилиши керак?

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

**– Дейлик, ҳайдовчи кутилмаганда автомашинасини бошқа бир транспорт воситасига уриб олди. Бундай ҳолатда етказилган зарарни қоплашда суғурта компаниясидан умид қилса бўладими?**

- Албатта. Бунинг учун фуқаро аввало суғурта полиси нусхасини тақдим қилади. Шунингдек, мол-мулкка зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (тижорат далолатномалари, юк хатлари, асосий воситалар дафтаридан кўчирмалар, тўлов ҳужжатлари, хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш учун тузилган шартномалар, мол-мулкни мустақил баҳолаш далолатномалари ва бошқа шу кабилар)ни илова қилади.

Бундан ташқари, жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳам тақдим қилинади.

Агар суғурта товони жабрланувчининг меросхўрларига ёхуд ҳуқуқий ворисларига тўланиши керак бўлса, мерос ҳуқуқини ёки ҳуқуқий ворислик, шунингдек, меросхўрларнинг шахсини ёки ҳуқуқий ворисларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилинади.

**- Суғурта компаниясига униг мижози билан боғлиқ транспорт ҳодисасидан жабрланувчи етказилган зарарни қоплаш ҳақида даъво киритиши ҳам мумкинми?**

- Бундай ҳолатлар ҳам учраб туради. Жабрланувчи ёки унинг ишончли вакили ёхуд унинг ҳуқуқий ворислари томонидан суғурта тўлови тўғрисидаги талаб кўрсатилган ариза билан мурожаат қилинади.

**- Гапларингиздан автомашинани суғурта қилдириш, умуман, суғурта хизмати бахтсиз ҳодисаларда суғурта қилинган шахсга зарарни қоплашда яқин кўмакчидек туюлаяпти. Юқоридаги маълумотларингиз бўйича аниқ рақам ва мисоллар айтиб бералосизми?**



- Бунда кўплаб фактларни келтириб ўтишим мумкин. Мисол учун, Каттақўрғон шаҳри Истиқлол кўчасида яшовчи М.Абдураҳмонова 2019 йил 17 мартда ўзи яшаб турган манзилдаги бўлимимизда "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш" бўйича суғурталанган. У 2020 йил 6 августда "Z.SH" МЧЖга тегишли "Кобальт" русумли транспорт воситасини бошқариб, Каттақўрғон шаҳрида содир этган йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида бошқа бир фуқаро бошқарувида бўлган "Ласетти" русумли автомашинага зарар етказган.

Етказилган зарар учун 14 миллион сўм суғурта товони тўланди.

Яна бир мисол фуқаронинг ўлимига сабаб бўлган автоҳалокат билан боғлиқ. Бунда "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш" бўйича Пахтачи туман бўлинмасида суғурталанган фуқаро транспорт воситаси билан содир этган йўл-транспорт ҳодисаси Пўлатчи қишлоғида яшовчи шахснинг вафот этишига сабаб бўлган.

Ҳодиса юзасидан тақдим этилган ҳужжатларга асосан вафот этган фуқаронинг ҳуқуқий ворисига 26 миллион сўм суғурта товони тўлаб берилган.

**- Айрим ҳолларда касалхоналарда ишхонамдан берилган суғурта полиси асосида даволанаяпман ёки тиббий кўрикдан ўтяпман, деган гапларни эшитиб қоламиз. Айтингчи, бу барча иш берувчилар учун мажбурийми ёки ихтиёрий суғурта турими?**

- Албатта, бугун бу масалага эътибор қаратаётган, қайсики, кўл остидагиларнинг саломатлигига беэътибор бўлмаган иш берувчилар кўпайиб бормоқда.

Аммо бир нарсани алоҳида таъкидлаш ўринли. Негаки, айрим раҳбарлар бундан бехабар бўлишлари ҳам мумкин. 2009 йилда "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган. Ушбу қонунга асосан жисмоний ва юридик шахслар иш берувчилар суғурта шартномаларини тузишга мажбур ҳисобланади.

Бундай суғурта шартномасида ходим ўз функционал вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатга майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги вужудга келганда суғурта компанияси томонидан товон тўланиши кўзда тутилган.

Очиғи, бизда ҳали ихтиёрий суғурта маданияти бир мунча пассив. Мисол учун, ихтиёрий суғурта турлари бўйича 2018 йилда 180 минг 175 та суғурта қилинган бўлса. Бу кўрсаткич 2020 йилда бор-йўғи 86 минг 242 тани ташкил қилган.

**- Хўп, вазият аниқ, аммо ижобий ўзгаришлар учун компания томонидан қандай ишлар қилинмоқда? Балки бу борада ҳукумат қандайдир ҳужжат чиқариши зарурдир.**

- Бугунги талаб – одамларга хизмат қилиш, уларнинг оғирини енгил қилишдан иборат.

Шу маънода вилоят филиалининг ҳар бир туманда биттадан суғурта марказлари ташкил қилинган. Суғурта агентларимиз томонидан чекка-чекка қишлоқларгача аҳолининг мол-мулки, турар-жойлари, чорва моллари, аҳолини якка тартибдаги бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш бўйича хизмат кўрсатилмоқда.

Ўйлайманки, бу ҳаракатларимиз ўз мевасини беради. Қолаверса, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва уни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Соғлиқни сақлаш ҳамда Молия вазирликлари мажбурий тиббий суғурта механизмларини жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқмоқда.

Бундан ташқари, Сирдарё вилоятида 2020 йилдан бошлаб "даволанган ҳолат" учун тиббий хизматлар тўлови механизмини ва "жон боши нормативи" асосида молиялаштириш тизими методологияси, шунингдек, 2021 йилдан бошлаб мажбурий тиббий суғурта тизимини тажриба-синов тарзида жорий этишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тайёрланяпти.

**Ёқубжон МАРҚАЕВ.**

---

«««« Бир шикоят изидан »»»»

# Бойқишлоқда миллиард сўмлик ҳовуз қурилади

**Таҳририятимизга Ургут тумани Сариқтепа маҳалласи, Бойқишлоқ қишлоғида яшовчи фуқаролардан шикоят аризаси келди. Унда жумладан шундай дейилади:**

*- Бизни ичимлик суви муаммоси қийнайди. Кўп йиллардан буён тоғ бағридан чиқадиган, одамлар тилида Кўрбулоқ номи билан айтиладиган чашма сувидан фойдаланамиз. Ёмғир-қор кўп ёққан йиллари бу чашмада сув кўпайиб, аҳоли эҳтиёжини қондириб туради. 1970 йилгача қишлоқда аҳоли кам бўлгани учун сув етарли эди. Аммо кейинги йилларда қишлоқ кенгайиб, ёнғингарчилик кам бўлаётгани туфайли қишлоқ аҳолисига тоза ичимлик суви етмаяпти. Гоҳида сув йўқлигидан аҳоли ариқдаги сувдан фойдаланишга мажбур бўлмоқда.*

Мурожаатни ўрганиш учун Сариқтепа маҳалласида бўлдик. Маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашиб, 5-10 та хонадон олдида қўйилган сув тақсимлаш нуқталарини ёпиб, ҳар 15-20 хонадонга бир жойдан сув олишни ташкил қилдик. Лекин бу ҳам вақтинчалик чора.

Қишлоқ ичидаги бир неча хонадонга мўлжалланган сув чиқиш нуқталарининг айримлари тош девор қилинган, айримларига лотоклар қўйилган. Лекин барчасининг усти очиқ. Баъзи нуқталарда ортиқча сув йўлга оқяпти, айримлар сувни томорқага тўғрилаб қўйган, бироқта сув чиқиш нуқтасида жўмрак қўйилмаган. Кўрбулоқ чашмаси ҳам антисанитария ҳолатида. Лекин аҳолининг шу чашмадан



- Ёшим 82 га борди, эсимни танибанимдан буён шу чашмадан сув ичамиз, - дейди Абдуалим Ҳасанов. – Кейинги пайтда қишлоғимиздаги 340 хонадонни ичимлик сув муаммоси қийнаяпти. Айниқса, биз каби асосий даромади боғдорчилик ва чорвачилик бўлган аҳоли учун сув йўқлиги энг катта муаммо. Қишлоқдан 300 метр нарида захира ҳовузда доимий сув бор, аммо у фақат ишлаб чиқариш корхоналарига берилади. Шу ҳовуздан, ҳеч бўлмаса, 3 жойдан аҳоли учун сув чиқариб беришса муаммога ечим топилади.

Ҳақиқатан ҳам одамлар уст-боши юпун бўлса, чорасини топади, электр бўлмаса, шам ёруғидан фойдаланади, аммо сув бўлмаса, бунга чора топиш мушкул.

- Маҳалламизда 5750 нафардан ортиқ аҳоли, 1270 оила бор, - дейди Сариқтепа маҳалла фуқаролар йиғини раиси Чоршам Муродов. – 2018 йилда "Обод қишлоқ" дастури асосида 4,3 километр ички йўлга тош тўшалди, 80 фоиз эски симёғочлар янгисига алмаштирилди, 6 та сув иншооти қурилди. Лекин юқорироқда жойлашган Бойқишлоқ эътибордан четда қолди. Бу қишлоқ Кўрбулоқ чашмасидан сув ичади. Аҳоли ҳашар йўли билан чашмадан 3 километр масофага қувурлар билан сув келтирган. Лекин ёз фаслида булоқ суви камайиб кетиши туфайли аҳолига сув етмай қолади. Қолаверса, 116 гектар томорқа майдонининг 70 гектарга яқини ҳам шу чашма сувидан суғорилади. Бу масалада ёрдам сўраб вилоят "Сувтаъминот" масъулияти чекланган жамияти Ургут туман филиалига ва бошқа масъул идораларга ҳам мурожаат қилдик. Лекин натижа йўқ.

Бу йил ҳам ёнғингарчилик кам бўлганлиги учун чашма суви аҳоли истеъмолига етмаяпти. Шу боис, бир неча кун аввал қишлоқ одамбошқа сув манбаи йўқ.

- Бойқишлоқдаги ичимлик суви муаммоси бўйича мурожаатлар бўлган ва буни ўрганиб чиққанмиз, - дейди вилоят "Сувтаъминот" масъулияти чекланган жамияти Ургут тумани филиали мутахассиси Тўлқин Гадоев. – Ҳозирча аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олиб, жадвал асосида сув берилиши ташкил этилди. Сув билан таъминлаш бўйича мазкур қишлоқ аҳолиси билан ҳеч қандай шартнома тузилмаган ва улар ҳам сув учун ҳеч қандай тўлов тўламайди. Лекин аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжини қондириш учун қарийб 1 миллиард сўмлик лойиҳа ишлаб чиқилди. Бу ерда ер ости сувлари сатҳи жуда пастда жойлашганлиги туфайли сув иншооти қуриш мушкул. Шу боис, смета асосида жорий йилнинг иккинчи чорагида чашма атрофида 200 кубметр сиғимли ҳовуз қурилади. Бу чашма сувини тўплаш ва ёз пайтида ҳам аҳолини сув билан таъминлаш имконини беради. Унгача ҳар бир сув чиқиш нуқтасида кичик ҳовузчалар қуриш, сув захирасини таъминлаш, қувурларга жўмрак ўрнатиш бўйича тушунтиришлар берилди. Ҳозирда булоқдан соатига 7-8 литр сув чиқади, сув чиқиш жойи эса абгор ҳолда, тупроқ емирилиши натижасида чашма кўмилиб қолмоқда. Маҳалла фаоллари келишган ҳолда чашманинг атрофини бетон билан ҳимоялаш, сув тақсимоти, тозалик ва санитарияси учун масъул кишини тайинлаш лозимлигини тушунтирдик.

Сув бебаҳо неъмат. Айниқса, ичимлик суви танқис жойда яшовчилар унинг қадрини янада яхши билишади. Ўйлаймизки, туман масъуллари ваъдасининг устидан чиқади ва Бойқишлоқда сув муаммосига ижобий ечим топилади.

**Ўктам ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**Ҳусан ЭЛТОЕВ (фото).**

---

**Президентимизнинг 2020 йил 24 июлда "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилинди.**

# Прокурор барча суд ишларида қатнашавермайди

### САВОЛ ТУҒИЛИШИ ТАБИИЙ, НИМА ЎЗГАРДИ?

Фармон билан жорий йилда вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судлари ташкил этилди.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилди. Маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судлар ташкил этилиб, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судлари тугатилди. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақлаб қолинди.

Энди туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорлари вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанция суди сифатида чиқарган қарорлари Олий суднинг судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибида қайта кўриб чиқилади. Апелляция тартибида кўриб чиқилган суд қарорлари Олий суднинг судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида қайта кўриб чиқилади.

Олий суд раиси, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарларининг суднинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари устидан назорат тартибида протест киритиш ҳуқуқи бекор қилинди. Қайд этилган шахслар Олий суд судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларига протест киритиши мумкин. Ва, бундай ҳолларда иш кассация тартибида такроран кўриб чиқилиши мумкин.

Шунингдек, давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш, прокурор томонидан суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарори бўйича ишларни, ушбу ишлар юзасидан тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина суддан чақириб олиб ўрганиш мумкин.

Қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, судларда бошқа шахсларнинг ташаббуси билан қўзғатилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этиш белгиланди.

### ҚАЙД ЭТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР НИМАСИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИ?

Аввало, вилоят даражасидаги судларнинг бирлаштирилиши ва бир-бирини такрорловчи инстанцияларнинг бекор қилиниши бир судда кўриб чиқилган ишларнинг тарафлар шикоятига асосан юқори суд инстанциясида қайта кўриб чиқилишини билдириб, иш бўйича тарафларнинг ортиқча оворагарчиликларининг олдини олишга хизмат қилади.

Шунингдек, илғор хориж тажрибаси асосида фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритишда давлатнинг таъсир кучини камайтириш, иш бўйича тарафлар, яъни даъвогар ва жавобгарларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш мақсадида фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор иштироки чекланди. Яъни, қонунда белгиланган ҳоллар ва прокурор томонидан киритилган даъволар юзасидангина ишда прокурорнинг иштирок этиши мумкинлиги белгиланди. Прокурор бошқа шахсларнинг аризалари билан қўзғатилган ишнинг муҳокамасида ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин эмаслиги қонун билан мустаҳкамланди.

**Ўктам МУРОДОВ,**
**Тойлоқ туманлараро иқтисодий суди раиси.**

---

«««« Сўранг, жавоб берамиз »»»»

# Сифатни бошқариш тизими сертификатини қаердан олсам бўлади?

**– Сифатни бошқаришнинг замонавий тизимларини кенг жорий этиш ва маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификациядан ўтказиш корхона учун жуда фойдали. Бу ҳақда керакли маълумотга эгаман. Аммо вилоятда ушбу сертификатни қаердан олиш мумкин?**

**Х.ЭРМАТОВ, тадбиркор.**

- Корхоналарда халқаро стандарт талабларига мувофиқ сифат тизимларининг жорий этилиши рақобат муҳитида корхоналар ютуғининг кафолати ҳисобланади ва корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга ва истеъмолчиларни сифатли ҳамда экологик хавфсиз маҳсулотлар билан таъминлаш имконини беради.

Бугунги кунда корхоналарда сифат тизимларини сертификатлаштириш йўналишлари бўйича "Ўзстандарт" агентлиги тизим ташкилотлари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишларнинг узвий давоми сифатида "TURKAK" халқаро аккредитация идораси томонидан дастлаб 2017 йил 26 апрелда берилган аккредитация гувоҳномаси 2020 йилнинг 23 июлда «UzTest» давлат унитар корхонаси Самарқанд филиали номига қайта расмийлаштирилди. Ушбу филиал қошидаги сифат тизимларини сертификатлаштириш идораси томонидан қуйидаги йўналишларда корхоналарда ISO 9001 халқаро стандарти асосида сифат тизимларини сертификатлаштириш имконияти мавжуд:

- текстил маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи;
- қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи;
- меҳмонхона ва овқатланиш хизматларини ишлаб чиқарувчи;
- полиграфия маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи;
- банк муассасалари;
- ўқув юртлари;
- озиқ-овқат маҳсулотлари, алкоголсиз ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва сотувчилар.

Ўтган давр мобайнида сифат тизимларини сертификатлаштириш идораси томонидан 5 та йирик ишлаб чиқариш корхоналари ISO 9001 халқаро стандарт талаблари асосида сертификатлаштирилди. Бунинг натижасида ушбу корхоналарнинг экспорт салоҳияти сезиларли даражада ўсиб, янги иш ўринлари яратилди.

**Фарида ШОКИРОВА,**
**«UzTest» ДУК Самарқанд филиали қошидаги сифат тизимларини сертификатлаштириш идораси раҳбари.**

---

# Вояга етмаганларни мажбурий меҳнатга жалб қилган шахс жиноий жавобгарликка тортилади

**Шу вақтга қадар вояга етмаган шахсларни меҳнатга бирор бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддаси иккинчи қисмига асосан маъмурий жавобгарликка ва маъмурий жазо тариқасида базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлар эди.**



Шунингдек, Жиноят кодексининг 148-(2)-моддаси иккинчи қисмига асосан меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш вояга етмаган шахсга нисбатан, худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши белгиланган эди.

2021 йил 12 февралда Президентимиз томонидан имзоланган "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунга асосан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдан 51-модданинг иккинчи қисми чиқариб ташланган. Шунингдек, мазкур қонунга асосан Жиноят кодексининг 148-(2)-моддаси иккинчи қисми диспозициясидаги "худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин", деган сўзлар чиқариб ташланган.

Демак, эндиликда вояга етмаган шахсларни мажбурий меҳнатга жалб қилганлик учун маъмурий жазо қўлланилмайди ҳамда Жиноят кодексининг 148-(2)-моддаси иккинчи қисмига асосан жиноий жавобгарлик келтириб чиқаради. Бундай жиноий қилмиш учун эса базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши белгиланган.

**Ш.ХОЛИҚУЛОВ,**
**вилоят бандлик бош бошқармаси давлат меҳнат инспекцияси бошлиғи ўринбосари.**

**Давлат активларини бошқариш Агентлигининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси маҳаллий ва хорижий инвесторларни давлатга тегишли бўлган қуйидаги акция пакетларини сотиб олиш бўйича**

# БИРЖА САВДОЛАРИГА ЧОРЛАЙДИ

**Савдога чиқарилаётган давлат акция пакетлари тўғрисида қисқача маълумот:**

**Эмитент номи** – "Каттақўрғон ёғ-мой" АЖ (Каттақўрғон шаҳри Давлатобод кўчаси, 121-уй);

**Эмитентнинг фаолият соҳаси** – Республика аҳолисини ёғ-мой маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжларни қондириш, бозорни рақобатдош, сифатли ёғ-мой маҳсулотлари билан тўлдириш;

**Давлат акцияларини савдоларга қўйиш санаси ва жойи** – "Каттақўрғон ёғ-мой" АЖ устав фондидаги 64,92 фоиз давлат акциялар пакети 2021 йил 25 мартда "Тошкент" РФБ" АЖда биржа савдоларига қўйилади;

**Савдога чиқарилаётган акцияларнинг умумий сони** – 3 606 140 дона оддий акция;

**Бир дона акциянинг номинал қиймати** – 3 788,0 (уч минг етти юз саксон саккиз) сўм;

**Савдога чиқарилаётган акцияларнинг бошланғич қиймати** - 74 399 040 000,0 (етмиш тўрт миллиард уч юз тўқсон тўққиз миллион қирқ минг) сўм;

**Эмитентнинг устав фонди миқдори** – 21 041 256 632,0 (йигирма бир миллиард қирқ бир миллион икки юз эллик олти минг олти юз ўттиз икки) сўм;

**Савдо ташкилотчиси** - "Тошкент" РФБ" АЖ;

**Лотлар сони** – "битта лот".

**Эмитентнинг охирги уч йил ичида молиявий-хўжалик фаолияти кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборот**

*(минг сўм ҳисобида)*

| Кўрсаткичлар | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил |
|---|---|---|---|
| Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум | 130415359,93 | 188475759,86 | 166139672,0 |
| Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи | 82590669,72 | 167693812,67 | 170609201,0 |
| Фойда солиғини тўлагунга қадар фойдаси (зарар) | 26558178,69 | 2543398,93 | 20457731,0 |
| Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарар) | 22464486,94 | 1917742,49 | - 20457731,0 |

Талабгорлар эълон берилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун ичида "Тошкент" РФБ" АЖнинг махсус портали (сайти) орқали биржа қоидаларига мувофиқ давлат акция пакетларини сотиб олиш бўйича ўз таклифларини тақдим этишлари керак.

Биржа битими энг юқори таклифни тақдим этган талабгор билан биржа қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Эмитентнинг охирги уч йил ичидаги молиявий-хўжалик фаолияти бўйича тўлиқ маълумотларни сотувчи, эмитент ёки сотувчининг инвестиция воситачисидан олиш мумкин.

Талабгорлар давлат акцияларининг сотувчиси ёки сотувчининг инвестиция воситачиси ҳамда эмитентдан давлат акцияларини сотиб олиш учун ўзи қарор қабул қилиши учун зарур бўлган қўшимча ахборотни сўраш ва олишга ҳақлидир, ўзининг хусусиятига кўра хизмат ёки тижорат сири ҳисобланган ахборот бундан мустасно.

**Қўшимча маълумот ва саволлар юзасидан қуйидагиларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:**

**СОТУВЧИ:** Давлат активларини бошқариш Агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси;

**Манзили:** Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1-"А" уй;

**Телефон рақами:** 91-537-32-12;

**Тел/факс рақами:** 66-233-73-54;

**Электрон почта манзили:** samarqand@davaktiv.uz;

**Веб сайт:** samdavaktiv.uz.

**СОТУВЧИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ВОСИТАЧИСИ:** "Мулк сармоя брокерлик уйи" акциядорлик жамияти;

**Манзили:** Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй;

**Телефон рақами:** 90-993-95-58;

**Тел/факс рақами:** 71-267-34-96;

**Электрон почта манзили:** msbu-depozitariy@mail.ru;

**Веб сайт:** www.ndvakt.uz.

**ЭМИТЕНТ:** "Каттақўрғон ёғ-мой" акциядорлик жамияти;

**Манзили:** Каттақўрғон шаҳри Давлатобод кўчаси, 121-уй;

**Телефон рақами:** 66-455-49-99, 95-560-49-99;

**Электрон почта манзили:** kattakurganyog-moy@mail.ru;

**Веб сайт:** www.kattakurganyogmoy.uz.

## САВДО САНАЛАРИ ЎЗГАРДИ

"Зарафшон" газетасининг 2021 йил 30 январь, 12-сони, 3-саҳифасида "Best Realtor" МЧЖ Самарқанд минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!" сарлавҳаси остида чоп этилган эълондаги аукцион ўтказиш саналари қуйидагича ўқилсин: "Дастлабки аукцион санаси 2021 йил 4 март куни соат 11:00, буюртмаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2021 йил 3 март куни соат 18:00, мулклар 2021 йилнинг 4 март куни ўтказиладиган аукцион савдосида сотилмаган тақдирда уларнинг такрорий аукцион савдолари 2021 йил 19 март ва 6 апрель кунлари бўлиб ўтади".

**"Best Realtor" МЧЖ Самарқанд минтақавий филиали маъмурияти.**

## ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 апрелдаги 282-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари 9224-сонли ҳарбий қисм томонидан жорий йилнинг 10 февраль куни вилоят ҳокимлигига йўллаган 51/5-394 ва 51/5-395-сонли хатларига асосан Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани, Чубот қишлоғида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари 9224-сонли ҳарбий қисм ҳарбий хизматчиларини аутсорсинг шартлари асосида овқатлантириш тизимини ташкил этиш режалаштирилган.

Шунга асосан аутсорсинг тизимида иштирок этмоқчи бўлган, умумий овқатланиш соҳаси билан шуғулланаётган тадбиркорлар вилоят ҳокимлигига 2021 йилнинг 2 март кунига қадар **(Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1-уй. Телефон: 66-235-23-50)** мурожаат қилишлари мумкин.

**ТАНЛОВДА ҚАТНАШИНГ!**

Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси томонидан туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига олинган: МЧ "Гулистон агротехсервис" агрофирмаси ҳудудидан жами 6,8 га. (шундан: 5,6 га. боғзор, 0,1 га. тут, 0,2 га. яйлов, 0,1 га. тераkзор, 0,2. га. ариқ ва зовурлар, 0,4 га. йўллар ва 0,2 га. бошқа ерлар) ер майдонларида фермер хўжалиги юритиш учун танлов ўтказилмоқда. Талабгорлардан аризалар 2021 йил 6 мартга қадар қабул қилинади.

**Манзилимиз: Самарқанд тумани Гулобод шаҳарчаси, туман ҳокимлиги биноси.**

* * *

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА**

Оқдарё туманидаги «OQDARYO SHABADASI" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 304246157) ўз устав фондини 9 000 000 (тўққиз миллион) сўмдан 8 000 000 (саккиз миллион) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Оқдарё тумани Р.Ҳамроев массиви.**

* * *

Самарқанд шаҳридаги «AMINJON TEX» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 306053032) Самарқанд шаҳридаги «JAVOXIR SANJAR UNIVERSALL SAVDO» масъулияти чекланган жамиятига (СТИР: 306709994) қўшилмоқда. «JAVOXIR SANJAR UNIVERSALL SAVDO» масъулияти чекланган жамияти «AMINJON TEX» масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси, 72-уй, 3-хонадон.**

* * *

Самарқанд туманидаги «MUNAVVARXON 777" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 307406825) ўз устав фондини 10 869 575 000 (ўн миллиард саккиз юз олтмиш тўққиз миллион беш юз етмиш беш минг) сўмдан 450 000 (тўрт юз эллик минг) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Самарқанд тумани МЧ "Гулобод агротехсервис" агрофирмаси ҳудуди.**

* * *

Паст Дарғом туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аҳатов Ўлмас Тўраевич нотариал идорасида марҳум Қораева Мусалламга (2016 йил 3 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аҳатов Ўлмас Тўраевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳарчаси, Нодирабегим кўчаси, 26-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Бахриев Улуғбек Насриддинович нотариал идорасида марҳум Усманов Нурилло Хушвахтовичга (2011 йил 8 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Бахриев Улуғбек Насриддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Кимёгарлар қўрғони, Умид кўчаси, 2-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Саломов Субхонкулга (2020 йил 13 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасида марҳум Караев Абибулла Сейфуллаевичга (2018 йил 29 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шаҳло Баҳриллоевна нотариал идорасида марҳум Шайхутдинова Сания Набиевнага (2020 йил 15 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шаҳло Баҳриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 17-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасида марҳум Ахмедова Замира Рустамовнага (2020 йил 29 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасида марҳум Бахадиров Баён Вахобовичга (2018 йил 7 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Джумаев Аслига (2020 йил 31 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**

* * *

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Самарқанд шаҳридаги 3-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Ташкулова Ситора Мардоновна номига берилган U № 1084950 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ туманидаги «MAXAMMAT BARAKA DALASI» фермер хўжалигининг (СТИР: 302865053) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 3-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Исомов Джахонгир Рустамович номига берилган U № 0575772 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Рахмонқулова Гулнора Суюнбоевна номига берилган O`R-SH № 1062116 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Оқдарё туманидаги 22-ўрта мактабдан 1995 йилда Заҳидова Нилуфар Рашидовна номига берилган АО № 121797 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Қўшработ саноат ва сервис касб-ҳунар коллежидан 2016 йилда Бердикулов Шохзод Бахтиёр ўғли номига берилган рўйхат рақами 446, К № 4268579 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабидан 2013 йилда Ғаффорова Хурият номига берилган U № 5902405 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд тиббиёт коллежидан 2004 йилда Алиева Саида Азимовна номига берилган рўйхат рақами 877, К № 124204 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут агротадбиркорлик ва сервис касб-ҳунар коллежидан 2019 йилда Набиев Абдурасул Зоир ўғли номига берилган рўйхат рақами 100, К № 5592267 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Сотувчи «Нурбек Қосимов даласи» фермер хўжалиги раиси Қосимов Нурбек Абдуҳакимович сотиб олувчи Мамаризоев Юсуфлар ўртасида Самарқанд шаҳри Хишрав қўрғони, «Миллий парк» ҳудудида жойлашган дам олиш маскани учун «Сагдиана реал сервис» МЧЖда 2018 йил 26 декабрда ўтказилган тўғридан тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштирилган савдолар натижасида тузилган 39-сонли баённомаси асосида тузилган кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасининг сотиб олувчидаги нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги «MUHANDIS METALL» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 306592827) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд туманидаги собиқ 68-(ҳозирги 43-) умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Атоев Машхур Ахтамович номига берилган U № 1097472 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд туманидаги собиқ 68-(ҳозирги 43-) умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Атаев Фирдавс Асламович номига берилган U № 052069 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут тадбиркорлик касб-ҳунар коллежидан 2008 йилда Ахмедова Мадина Зоировна номига берилган рўйхат рақами 199, К № 0969320 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 69-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Комилова Гулшода Садижоновна номига берилган O'R-Z № 0769430 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**Самарқанд вилоятида автотранспорт соҳасида қуйидаги шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро – вилоят ички йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун 2021 йил 24 март куни соат 10:00 да**

# ОЧИҚ ТЕНДЕР ТАНЛОВЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

**Шаҳар автобус йўналишлари:**

ША "2" – "Бахтли ҳаёт маҳалласи – СамДАҚИ";
ША "8" – "Обод маскан МФЙ (Қорасув массиви) – Бадал қишлоғи";
ША "14" – "Нефть омбори - Сиёб АББ";
ША "22" – "Темирйўл АББ – Пистамозор – Шўрбойи";
ША "30" – "Сартепа маскани – Янгиобод маҳалласи";
ША "54" – "Суғдиёна маскани – Ўрмон хўжалиги";
ША "79" – "СамДАҚИ – Чакка маҳалласи";
ША "19" – "Геологлар қўрғони – Бўзи маҳалласи";
ША "67" – "Янгиҳаёт маҳалласи – Ипак йўли бозори";
ША "87" – "Сартепа маскани - шаҳар шифохонаси";
ША "101" – "Навобод маҳалласи – Ипак йўли бозори";
ША "122" – "Шўрбойи – Сартепа маскани";
ША "97" – "Ҳазора АББ – Равонак қишлоғи";
ША "60" – "Сартепа маскани – Самарқанд АББ";
ША "61" – "Кўз касалликлар шифохонаси – Ҳазора АББ";
ША "72" – "Темирйўл АББ – Қўштамғали қишлоғи";
ША "58" – "Навбоғчиён – Ҳазора АББ".

**Шаҳар йўналишли такси йўналишлари:**

ЙТ "80" – "Сўлим шаҳарчаси – Темирйўл АББ";
ЙТ "5" – "Сўлим шаҳарчаси – Сиёб бозори".

**Шаҳар атрофи автобус йўналишлари:**

ШАЙ "216" – "Каттақўрғон АББ – Ингичка қўрғони";
ШАЙ "220" – "Сарқипчоқ – Булунғур туман электр тармоқлари";
ШАЙ "238" – "Булунғур АББ – Фозил Йўлдош – Калтепа";
ШАЙ "239" – "Булунғур АББ – Шўрбедона";
ШАЙ "253" – "Каттақўрғон АББ – Бурган 73-мактаб";
ШАЙ "274" – "Митан – Иштихон - ДАН ЙПХ";
ШАЙ "276" – "Митан – Чақар";
ШАЙ "278" – "Иштихон шаҳри – Охунбобоев";
ШАЙ "281" – "Каттақўрғон АББ – Андак қишлоғи";
ШАЙ "301" – "Пайариқ АББ – Шоҳи Зинда АББ";
ШАЙ "307" – "Пайшанба АББ – Иштихон";
ШАЙ "308" – "Жума АББ – собиқ Дўрмонтепа ҚФЙ – Ҳазора АББ";
ШАЙ "316" – "Шоҳи Зинда АББ – Булунғур АББ (Шоҳи Зинда АББ томонидан)";
ШАЙ "329" – "Жума АББ – Кичикбулоқ – Чимбойобод";
ШАЙ "348" – "Жума АББ – Хўжақишлоқ";
ШАЙ "355" – "Жума АББ – Тўқбой маҳалласи айланма";
ШАЙ "358" – "Жума АББ – Қорасув қишлоғи 87-мактаб";
ШАЙ "359" – "Жума АББ – Учқора қишлоғи";
ШАЙ "360" – "Жума АББ – Зармон маҳалласи";
ШАЙ "371а" – "Жума АББ – Марказий шифохона";
ШАЙ "276" – "Митан қўрғони – Чақар";
ШАЙ "278" – "Иштихон – Охунбобоев";
ШАЙ "296" – "Говбанд – Примкент – Лойиш";
ШАЙ "404" – "Лаззат чойхонаси – Тут – Шоҳи Зинда АББ";
ШАЙ "407" – "Ургут АББ – Жозмон – Бешкапа";
ШАЙ "408" – "Челак – Уймовут";
ШАЙ "420" – "Пайариқ АББ – Деҳқонобод";
ШАЙ "423" – "Каттақўрғон АББ - Нуробод АББ";
ШАЙ "445" – "Сиёб АББ – Омонқўтон қишлоғи";
ШАЙ "424" – "Жума АББ – М.Дангалов";
ШАЙ "223" – "Мароқанд нефть базаси – Темирйўл АББ";
ШАЙ "325" – "Жума АББ – Парчақора қишлоғи";
ШАЙ "245" – "Ургут АББ – Бешёғоч – Ваткан";
ШАЙ "222" – "Илонсой – Шоҳи Зинда АББ";
ШАЙ "273" – "Сиёб АББ – Жартепа";
ШАЙ "228" – "Каттақўрғон АББ – Қоракулча маҳалласи";
ШАЙ "252" – "Каттақўрғон АББ – Ёнбош қишлоғи";
ШАЙ "499" – "Ургут АЙХ – Деҳқонобод – Сиёб АББ".

**Шаҳарлараро-вилоят ички автобус йўналишлари:**

ВХ "514" – "Каттақўрғон – Тим қишлоғи";
ВХ "520" – "Ҳазора АББ – Улус қишлоғи";
ВХ "541" – "Самарқанд АББ – Жўш қишлоғи";
ВХ "545" – "Каттақўрғон АББ – Жарқудуқ – Нуробод АББ";
ВХ "546" – "Урганжи қишлоғи – Самарқанд АББ";
ВХ "558" – "Бозоржой (Оқчапсой) – Самарқанд АББ";
ВХ "561" – "Пайшанба АББ – Иштихон – Самарқанд АББ";
ВХ "540" – "Зармитан - Қўшработ АББ - Каттақўрғон АББ";
ВХ "547" – "Самарқанд АББ – Зармитан";
ВХ "551" – "Хасанбобо – Самарқанд АББ";
ВХ "509" – "Каттақўрғон АББ – Қизилқуёш – Нуробод";
ВХ "522" – "Шоҳи Зинда АББ – Сариқул – Нуробод»;
ВХ "548" – "Қовунчи – Самарқанд АББ";
ВХ "553" – "Иштихон – Шоҳи Зинда АББ".

**Шаҳар атрофи йўналишли такси йўналиши:**

ШЙТ "204" – "Сиёб АББ – Сочак";
ШЙТ "208" – "собиқ Ўзбекистон ш/х – Ҳазора АББ";
ШЙТ "211" – "Ургут АББ – Камангарон қишлоғи";
ШЙТ "213" – "Ҳазора АББ – Чархин сув чиқариш жойи";
ШЙТ "215" – "Болатош қишлоғи – Ҳазора АББ";
ШЙТ "218" – "Қўшработ АББ – Жўш қишлоғи";
ШЙТ "222" – "Сартепа маскани - Меҳробод қишлоғи";
ШЙТ "223" – "Мароқанд нефть омбори – Ҳазора АББ";
ШЙТ "224" – "Чандир қишлоғи – Ҳазора АББ";
ШЙТ "226" – "Булунғур АББ – Олқартепа – Қораариқ қишлоғи";
ШЙТ "227" – "Кимёгарлар қўрғони – Жума АББ";
ШЙТ "228" – "Каттақўрғон АББ – Мирбозор АББ";
ШЙТ "229" – "Каттақўрғон АББ – Каттакўрпа қишлоғи";
ШЙТ "230" – "Хўжа Аҳрор Вали – Ургут АББ";
ШЙТ "232" – "Иштихон – Файзобод – Иштихон айланма";
ШЙТ "242" – "Ургут АББ – Андак қишлоғи";
ШЙТ "243" – "Ургут АББ – Чеп қишлоғи (Чеп қишлоғи томонидан)";
ШЙТ "246" – "Зиёвуддин – Қизилнишон";
ШЙТ "248" – "Булунғур АББ – Беруний (Хўжабачча)";
ШЙТ "254" – "Файзобод – Сиёб АББ";
ШЙТ "255" – "Сазағон – Хўжа Аҳрор Вали";
ШЙТ "256" – "Оҳалик қишлоғи – Мароқанд бозори";
ШЙТ "259" – "Булунғур АББ – собиқ Зарафшон ш/х".

Очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, солиқ органлари ҳисобида турадиган, автомобиль транспортида тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро йўловчи ташишларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия этилаётган ҳар бир транспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлган барча юридик шахслар қатнашишлари мумкин. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Тугатиш, банкротлик босқичида турган ёки мулкига таъқиқ қўйилган талабгорларнинг тендерда қатнашишга йўл қуйилмайди.

Иштирокчи тендер таклифлари шаклини тўлдиришда, ўз таклифларидаги баҳо мезонларига алоқаси бўлмаган маълумотларни қўшмасдан, фақат сўралаётган баҳо мезонлари бўйича тўла ва мукаммал ахборот тақдим этишга мажбур.

Даъвогар тақдим этаётган тендер таклифлари имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак.

Йўналишларда йўловчилар транспорти хизмати кўрсатиш юзасидан тендер ғолиби билан шартнома камида 1 йил муддатга тузилади. Шартнома бўйича ишларнинг барча шартларига ташувчи томонидан риоя қилинган ҳолларда шартноманинг амал қилиш муддати узайтирилиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси – Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро-вилоят ички йўналишларида йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссияси.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар комиссияга тендер ҳужжатлари пакетларини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 23402000300100001010 ҳисоб рақами, шахсий ғазна ҳисоб рақамига 4014108604262773422967279 (Банк коди: 00014, СТИР: 201122919) га 1 та пакет учун **50 000** (эллик минг) сўм, 2 та пакет учун **75 000** (етмиш беш минг) сўм ва ундан ортиқ пакет олишни истаса, ҳар бир пакети учун **25 000** (йигирма беш минг) сўмдан ўтказиб, 2021 йил 19 март куни соат 18:00 гача буюртма беришлари ҳамда тендер ҳужжатлари пакетларини олишлари лозим. (Ишончнома ва тўлов топшириқномаси тақдим этилиши шарт).

Қатнашчи тендерда қатнашишдан бош тортганда, у томонидан тўланган тендер ҳужжатлари пакети учун тўлов қайтариб берилмайди.

**Тендер таклифлари 2021 йил 23 март соат 18:00 гача қабул қилинади.**

**Комиссиянинг ишчи гуруҳи манзили:**
**Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 69-уй.**
**Самарқанд вилояти транспорт бошқармаси биноси.**
**Мурожаат учун телефонлар: 66-233-71-12, 66-233-31-38, 71-202-05-00 (231 – қисқа рақами).**

**Вилоят мусиқали драма театрида журналист, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Фармон Тошевнинг “Тазарру” асари асосида режиссёр Ғофур Мардонов томонидан саҳналаштирилган спектаклнинг премьераси бўлиб ўтди.**

# ПРЕМЬЕРА: Қалбларни жунбушга келтирган ТАЗАРРУ



Мазкур асар фарзандининг қилмиши учун қадди букилган отанинг изтироби, ёлғиз ўғилнинг қилган хатолари сабаб ота-онаси, оиласи олдида тазарруси ҳақида. Режиссёр бежиз бу асарни саҳналаштирмади. Унда бугунги кунда ёшларимизнинг оиласи, ота-онаси олдидаги бурчларини унутаётгани, бойлик, амал ортида қилинаётган хиёнат, худбин фарзанднинг қилмишлари ёритилган.

Асар премьерасида вилоят жамоатчилиги вакиллари, зиёлилар иштирок этди. Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари Х.Очилов, ҳоким ёрдамчиси Н.Ибрагимов, асар муаллифи Ф.Тошев, режиссёр Ғ.Мардонов ва бошқалар спектакль моҳияти, унинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида сўз юритди.

### ФАРЗАНДГА МАРТАБА ЭМАС, ИЙМОН СЎРАНГ

Фарзанд дунёга келар экан, ҳар бир ота-она аввало, унинг жамиятимизга фойдаси тегадиган, иймонли, солиҳ фарзанд бўлиб вояга етишини истайди. Умиджон туғилганда ҳам Сирожиддин ота ўн икки йил орзиқиб кутган фарзандини келажакда етук, мартабали инсон бўлиб камол топишини ният қилади. Уни асраб-авайлаб вояга етказади, ўқитади. Аммо ноқобил фарзанд пул топиб, обрўга эришгач, ёнидаги разил ниятли ўртоғининг ҳийла-найрангига учиб, жамиятга, оиласига, ота-онасига хиёнат қилади. Вақтини тунги клубларда, маишат, ичкиликбозлик билан ўтказаётган ўғил автоҳалокат содир этади. Мансабидан, дўстларидан, кунлик маишатидан ажралиб қолишни, қамалишни истамай ўз жиноятини отасининг бўйнига қўймоқчи, унинг ортига бекинмоқчи бўлади. Иймонли ота, нобакор ўғли учун ёлғон гапиришга мажбур бўлиб, барча жиноятларни бўйнига олади.

Спектаклнинг кульминацияси ҳам шунда. Биз ҳаётда қоқилсак, дарров отамизни эсга оламиз, унинг кўмагига муҳтож бўламиз. Умид эса ўз қилмишларини бегуноҳ, 40 йил маҳалла болаларига маърифат улашган, иймон-эътиқодли отасининг елкасига юклайди. Бу иснодни, оғир юкни кўтара олмаган Сирожиддин ота вафот этади. Турмуш ўртоғи билан сўнгги бор суҳбатида бир жумлани тилга олади: “Қаерда хато қилдим, фарзандимга доим соғлик тиладим, умр тиладим, мартаба тиладим, аммо иймон сўрамадим”.

Сирожиддин ота ўтган умрини хаёлидан ўтказар экан, фарзанд тарбиясида қачон адашганини ўйлайди. Умид қилган хатоларини тушуниб, тазарру қилганида, афсуски, кеч бўлади. Отасининг сўнгги сўзини эшитолмайди. Ачинарлиси, меҳрибони бу дунёни тарк этганди. Спектаклнинг айтар сўзи ҳам шу ерда – оиламиз, ҳаётимиз устуни бўлган ота-оналаримизнинг қадрига етиш, уларнинг розилигини олиш.

### СПЕКТАКЛДА РОЛЛАРНИ АСОСАН ЁШЛАР ИЖРО ЭТДИ

Спектаклни томоша қилар экансиз, ролларни ёш, истеъдодли актёрлар ижро этганига гувоҳ бўласиз. Бу бежиз эмас. Шу ўринда режиссёрнинг маҳорати ҳам уларнинг характеридан фойдалана олганлиги спектаклнинг муваффақиятини таъминлаган, десам адашмайман. Ота, она, фарзанд, келин образлари ўзига хос характерга эга. Уларни актёрлар шундай ижро этдики, томошабин улар билан бирга кулди, бирга йиғлади. Уларнинг дардига, қайғусига шерик бўлди.

- Сирожиддин ота фожиаси афсуски, бугун ҳаётимизда кўп учрайдиган ҳолат бўлиб қолди, - дейди актёр Машраб Бекмуродов. – Ота образини гавдалантирар эканман, унинг фарзанди туғилгандаги қувончини, ютуқларидан сармастлигини, шу билан бирга фарзанди сабаб гуноҳга қўл уриб, қадди букилганидаги изтиробини қалбан ҳис қилдим. Ва, мен учун оғир саҳна кўриниши не-не умидлар билан ўстирган, тарбия берган фарзанди ўз айбини яшириш мақсадида отасидан фойдаланиш саҳнаси бўлди. Отанинг аҳволи, қалбидаги кечинмаларни томошабинга етказиб беришга ҳаракат қилдим.

Иймон-эътиқодли Сирожиддин ота ҳам жамият олдида фарзандининг жиноятини бўйнига олди. Томошабин спектаклни кўрар экан, фарзанд истагида оиланинг сабр-бардоши, келиннинг қайнонаси олдидаги андишасини, елкадош чол-кампирнинг бир-бирини авайлашини, худбин фарзанд кирдикорларини кўради.

### УМИДЖОН – ЗАМОНАВИЙ ПАДАРКУШ ТИМСОЛИ

Спектаклни ёш, маҳоратли режиссёр Ғофур Мардонов қисқа фурсатда саҳналаштириб, томошабинларга туҳфа этди. Залдаги томошабин нигоҳидаги изтироб, кўзларидаги ёшни саҳналаштирувчи режиссёрнинг самарали меҳнати меваси, дейиш мумкин.

- Асар бежиз "Тазарру" деб номланмаган. Сабаби, бу сўз сўнгги вақтларда ўз моҳиятини йўқотаётгандек, - дейди режиссёр Ғофур Мардонов. – Томошабинларга бу сўз моҳиятини спектаклимиз орқали ёдга солиш, ёшларимизни гуноҳ иш қилишдан, жиноят содир этишдан асрашни мақсад қилганмиз. Бу асарни замонавий падаркушлик, десак адашмайман. Фарзанд ўз манфаатлари йўлида отасининг қотилига айланди. Дастлаб муаллиф Фармон Тошевнинг ҳикоясини қўлга олар эканман, айнан шу жиҳат эътиборимни тортди. Ижодий жамоамиз билан бирга уни икки пардали, 8 кўринишли драма шаклига келтирдик. Мусиқа, декорациялар, ижро ҳам ўзига хос бўлди. Асарнинг муваффақияти кўп жиҳатдан жамоанинг ҳамфикрликда ишлашига боғлиқ. Театр жамоаси билан илк бор ишлаётган бўлсам ҳам актёрлар билан бир-биримизни жуда тез тушундик. Бу эса мана шундай асар яратилишига сабаб бўлди.

Ёш рассом Илҳом Рустамовнинг декорациясида ҳам ўзига хос ечим бор. Асар бошида Умид ўн икки йил Сирожиддин ота оиласида кутилганлиги айтиб ўтилади. Саҳнадаги бешик мана шу сабр-бардошнинг меваси. Момоларимиз бешикка бола тўғри ўсиши учун белашади. Умиднинг хиёнатида эса бешикка дарз кетади. Рассомнинг маҳорати ҳам шунда – фарзанднинг бешикка хиёнати, тўғриликдан воз кечгани.

“Афсуски, театрларда маҳоратли рассомлар кам. Декорация чизиб, иккита ширмани алмаштириб туриш рассом иши, дегани эмас. Рассом спектакль кульминациясини чизмаларида ифодалаши керак. Ҳамоҳанглик томошабин нуқтаи назарини спектаклдан бир дақиқа ҳам қочирмайди”, дейди ёш рассом.

Театр - ҳаётимиз кўзгуси. Бу кўзгуда биз ўзимизни кўришимиз мумкин. Спектаклда ҳам жамиятимизнинг айрим иллатлари саҳналаштирилганки, бундан ёшларимиз ибрат олса арзийди. Айниқса, Умиднинг тазарруси томошабинларнинг қалбини жунбушга келтиргани, шубҳасиз.

**Насиба ЖОНТЎРАЕВА.**

---

**Мустақиллик йиллари Самарқандда**

**1997 йил, март**

Нурободтуманидаги Сепки қишлоғида 520 ўринли 53-мактаб фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Самарқанд бўлими тасарруфига кирувчи минтақада 4 нафар академик, 7 нафар академия мухбир аъзоси, 265 нафар фан доктори, 1443 нафар фан номзоди фаолият кўрсатмоқда.

Самарқанддаги “Меъмор” илмий-таъмирлаш ва ишлаб чиқариш бошқармаси ходимлари ўйма безак қадалган гулдон сопол кошинлар тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқди.

Вилоят корхона ва ташкилотларининг ташқи иқтисодий фаолиятидан даромади 331 миллион сўмга етди.

13 март куни НАТО Бош котиби Ховьер Солана Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А.Комилов ҳамроҳлигида Самарқандга келди.

**апрель**

2 апрель куни вилоят ҳокими А.Мардиевнинг қарорига кўра, Найим Абдураҳимов вилоят ҳокимлигининг ташкилий-кадрлар бўлими мудири этиб тайинланди.

Вилоят бўйича 203 та саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

7 апрель куни Самарқандда илк марта плёнка остига чигит экилди.

Ургут шаҳрида янги қурилган ташхис марказига Германиянинг “Интраменд” ва “Сименс” фирмаларидан келтирилган “ИнтерСАН-250” ва “Саналий-450” ультратовуш текшириш аппаратлари келтирилди.

Самарқанд тиббиёт институти олимлари тери касалликлари, айниқса, юздаги турли нуқсон ва чандиқларни даволашда илк марта лазер нури ҳамда азот суюқлигидан фойдалана бошлади.

Жомбой туманида суткасига 28 тонна нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга комбинат ишга туширилди.

19 апрель куни вилоят ҳокимининг қарорига кўра, Маҳмуд Эралиев вилоят ҳокимлигининг матбуот бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.

Вилоят ҳокими А.Мардиев “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш тўғрисида” қарор қабул қилди.

---

**Фарзандлар оталар ҳақида**

**Зомин туманининг олис Карим қишлоғида туғилган отам илк меҳнат фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаб, кейинчалик прокуратура, суд идораларида ишлаган. Тошкент давлат университети ҳуқуқшунослик факультетида таҳсил олгач, отамнинг ҳуқуқ соҳасидаги иш фаолияти Иккинчи жаҳон урушининг оғир ва машаққатли йилларига тўғри келган.**

## Дарахт бир жойда кўкаради

Отам Мустафоқул Муҳаммадиев бу гапни кўп такрорлар, унга амал қилишимизни уқтирарди



Отам адолатпарвар, қонун устуворлигига доимо риоя қиладиган ҳуқуқшунос эди. Бировни ноҳақ айблашдан, жабр қилишдан мутлақо йироқ эди. Кўриб чиқиладиган ҳар бир жиноий ишга ўткир дид, ақл-фаросат билан, инсон тақдири ҳал бўлаётганини унутмасдан ёндашарди. У кишининг бу фазилатларини кўплаб шогирдлари ҳалигача айтиб юришади. Бу қатъий “ҳукм”га 1943-1948 йилларда Қорақишлоқ тумани прокурорининг ёрдамчиси, 1948-1958 йилларда Қорадарё, сўнгра Қоракўл тумани прокурори, Самарқанд шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, Пахтакор (ҳозирги Пахтачи) тумани прокурори, Паст Дарғом тумани прокурори ёрдамчиси, сўнгра Булунғур ва Жомбой туманлари судининг судьяси вазифаларида ишлаган чоғида оғишмай амал қилган. Шунинг учун ҳам 1969 йилда у кишига «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони берилган.

Отам лавозимини, касбини пеш қиладиган, калондимоғ кишиларни ёқтирмас эди. Мулоқотлар чоғида биз, фарзандлар бунга гувоҳ бўлганмиз.

Прокурор ёки судьялик лавозим эмас, балки касб, адолат ва виждон амри билан эл-юртга хизмат қилиш, халқни тинч ва осойишта яшашга, қонунларга итоат қилишга чорловчи бурч, деб биларди. Айрим йигит-қизларни азбаройи прокурор ёки судья бўлиш учун ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кираётганлигини сира ҳазм қилолмасди. “Улар аввало, қонунчиликнинг моҳияти, вазифаси, тарихини чуқур ўрганишлари, ҳаёт синовларидан ўтиб, одамлар билан ишлаш тажриба, кўникмаларига эга бўлишлари керак. Ундан кейин аниқ мақсад билан ҳуқуқшунос бўлишга жазм этишлари зарур”, деб ҳисобларди.

Ўзи ҳам бир умр ана шу ақидага амал қилиб яшади. Шунинг учун ҳамкасблари, шогирдларини камтар бўлишга чақирган. Адолат, одамлар тақдирига чуқур масъулият билан ёндашиш лозимлигини қулоқларига қуйиб келган.

Отам ҳаётдан ҳикмат излаган инсон эди. Кўп китоб ўқирди. Давраларда, ўзаро суҳбатларда, мажлисларда афоризмга ўхшаш ҳикматли гапларни кўп айтарди. Улардан ёдимда қолганини ҳамон такрорлаб юраман: “Дарахт бир жойда кўкаради”, “Ошириб юборилган мақтов ҳам, танқид ҳам зарарли”, ”Душман орттирмаслик учун кечирим сўрашни билиш керак”.

“Дарахт бир жойда кўкаради”, деган гапни кўп такрорлар, унга амал қилишимизни уқтирарди. Бунга биз, етти ака-ука, опа-сингил, янга-ю келинлар амал қилдик. Хусусан, опам Адолат Ўсарова 40 йил Самарқанд шаҳридаги 34-мактабгача таълим муассасасида ишлаб, нафақага чиқди, халқ таълими аълочиси бўлди. Янгам Ойша Қодирова (раҳматли) 30 йилдан зиёд Самарқанд шаҳридаги 64-умумий ўрта таълим мактабида биология фанидан ўқувчиларга сабоқ берди. Ўзим Самарқанд иқтисодиёт (аввалги кооператив касб-ҳунар техникуми) коллежида 42 йил ўқитувчилик қилдим. Келинларимиз - Дилбар Расулова Жомбой туманидаги 23-мактабда 40 йил, Олмахон Муҳаммадиева вилоят инжиниринг компаниясида 30 йил муҳандис бўлиб ишлади. Муҳими, падари бузрукворимнинг ўзи ҳам 42 йил давомида прокуратура ва суд идораларида бенуқсон фаолият кўрсатди.

Отам 84 йил умр кўрдилар. У кишининг ҳаёти ҳам, меҳнат фаолияти ҳам биз учун ибрат мактаби. Бугун бир этак невара ва эваралари бобоси ортидан халққа виждонан хизмат қилиш учун ўқиб, изланяпти. Биз набираларимизга отамизнинг ажойиб хислатлари билан боғлиқ ўтган воқеаларни ҳикоя қиламиз, қилган эзгу ишларини намуна қилиб кўрсатамиз.

**Муборак РАСУЛОВА.**

## Фахрим, ғururим отам

Таниқли журналист Аҳмаджон Мухторовни эслаб



Мактабдалигимда падари бузрукворимнинг ҳаракатини кўп кузатганман. Нонуштага уйда ҳаммадан кеч келарди:

- Узр, хотин, материал кўраётгандим, бир фикр кеб қолди, шуни ёздим... – дерди онамга. Баъзан ўқиётган китобидаги воқеадан узила олмаганини айтарди.

Биз бу ҳолатга кўникканмиз. Газета ярим тун ёки тонгда босмахонага топширишарди. Навбатчи ҳар кун ўзгаради, аммо отам навбатчининг «Бўлди, топширдик», деган хабаридан кейингина ухларди. Ҳар ойда янги китоблар келтириб, бизга ҳам тавсия қиларди.

Отам устозларни, сафдошларни, шогирдларни қадрлашда барчага ибрат эди. Ҳозир ҳам агар қизи эканлигимни билиб қолишса, жуда кўпчилик менга алоҳида меҳр кўрсатади ва отам ҳақида ҳурмат билан гапиради.

Ўзбекистон журналистикасида «Аҳмаджон Мухторов феномени», деган иборанинг айтилиши бу иқтидорли инсон фаолиятига берилган баҳо деб биламан. Қўлимда отам ҳақида жуда кўп мақолалар бор. «Серқирра муҳаррир», «Ходимлари қатори диктант ёзган муҳаррир», «Иқтидорни қадрлаган раҳбар», «Ҳақ сўзни айтмоқ шиори эди», «Мустақиллик жонкуяри»... ва ҳоказо. Турли йилларда, турли тортишувлар билан чиққан.

«Зарафшон» отам учун ўз уйидан ҳам қадрдон эди. СамДУни битириб, тўғри шу ерга келди ва 1985 йилгача ана шу муқаддас даргоҳда ишлади. Оддий мусаҳҳиҳликдан бош муҳаррир даражасига етди. Давлат раҳбарлари ва таниқли адиблар назарига тушди. «Қишлоқ ҳаёти», «Халқ сўзи» газеталарини бошқариб, ижод йўлида ўз мактабини ярата олди.

Мен ана шундай фидойи инсон фарзанди эканим билан доимо ғурурланиб юраман.

**Озода МУХТОРОВА.**

## Ёнғин ёхуд пайпоқ фалсафаси

Университетнинг фалсафа кафедраси доценти, таниқли файласуф жудаям толиққан ҳолда ишидан чиқдида, уйига пиёда равона бўлди. Ҳаво совуқ, ёмғир аралаш қор ёққанидан ерлар яхмалак эди. Бу сирпанчиқда пиёда юриш ҳам осон эмас. У нохос тойиб кетиб, туфлиси-ю пайпоқларигача жиққа ҳўл бўлди. Домла бир амаллаб ҳашамдор уйига келгач, энг аввало, кеча-ю кундуз олови ўчмай, иссиқ бўлиб турадиган хонасидаги тунука печ ёнига келди. Газ пастлигидан кеча ён қўшниси уста Ҳалим қўлбола иситгич, «труба» қўйиб созлаб берганди.

Домла дарҳол ечиниб, жиққа ҳўл пайпоқларини қизиб турган печ устидаги пишиқ ғиштлар четига ёйдида, исиниш ниятида юмшоқ креслосини суриб келиб, печ ёнида унга чўзилди. «Олов яхшими, палов?» Олов яхши, олов! Ана маза-ю, мана маза! Иссиқ печ тафти шу қадар ҳузур бердики, у гўёки қиш аёзидан чиқиб, ҳаммомга киргандек роҳатда сезди ўзини. Оёқларини баҳузур печ остига чўзиб мизғий бошлади, этлари хамирдай бўшашиб, уйқу оламига ғарқ бўлди. Хаёлидан эса: «Олов ҳузури ҳам нафс истаги эканда» деган фалсафий фикр ўтди. «Аслида ўта тансиқ таом ҳам, мўмайгина бехатар олинган пора, жарақ-жарақ пулларни санаш завқи ҳам шу лаззат, оромини беради. Мана сизга яна бир фалсафий кашфиёт.

Хонада ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Хотини ишда, болалари ўқишда, яна ким бўлсин?

Ҳа, домла маст уйқуда эди. Шу орада печ устидаги ғиштга ёйилган пайпоқлари обдон қуриди, қизиди, бехос «лов» этиб олов олди ва чўғдек қип-қизил гилам устига тушди, уни секин-аста куйдириб, ёндириб, олов олдирди, сўнг бу олов тезкор ёнувчи дераза дарпардаларига ўтди. Сўнг «қиёмат қойим» бошланди денг.

Домланинг «Олов ҳузури ҳам нафс истагидир» фалсафаси дўзахий кулфатга айланди.

Маст уйқудан сапчиб уйғонган файласуф ўзини олов гирдобида кўрди-ю, додлаб юборди.

...Алалхусус, борики, қасру кошона, қимматбаҳо жиҳозлар, пулу бойликлар бир пой ҳўл пайпоқ, олов ҳузури уйғотган нафс лаззатлари гирдобида куйиб кул бўлди.

- Домла, нима сабабчи бўлган деб ўйлайсиз, бу қадар тезкор, кучли ёнғин чиқишига? – сўради ўт ўчирувчилар гуруҳи бошлиғи, иш якунида.

- Нима бўларди, атиги бир пой пайпоқ-да. Янами? Яна... нафс фалсафаси.

**Муродим УМРЗОҚОВ.**

### ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

**23 ФЕВРАЛЬ**

**Аҳмаджон МУХТОРОВ** – (1936-2000) Самарқанд шаҳрида туғилган. Таниқли журналист, публицист, таржимон. “Халқ сўзи” газетасининг асосчиси.

**Зулхумор АШУРОВА** – 1987 йилда Иштихон туманида туғилган. Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби.

**Жаббор ҚОБИЛОВ** – (1911-1995) Жомбой туманида туғилган. Биолог олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

**Мустафоқул МУҲАММАДИЕВ** – (1919-2003) Зомин туманида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист.

Zarafshon
САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК

MUASSIS: «Zarafshon» va «Самаркандский вестник» gazetalari tahririyati mas’uliyati cheklangan jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O‘zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro‘yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 19 544 nusxada chop etildi. Buyurtma 137

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.



Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E’LONLAR: (66) 233-91-56
BO‘LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug‘ Tursunov ko‘chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo‘limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uy. Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV.
Navbatchi: G.MO‘MINOVA.
Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.

Sotuvda narxi kelishilgan holda

ISSN-201667X
9 772010 667009